



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 21 июль, жума № 28 (411)

Сотувда нархи эркин

ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳайъатининг 2000 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Уни агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди. «Почта ва телекоммуникациялар корхоналарининг биринчи ярим йиллик иш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг бориши тўғрисида» агентлик Бош директори маъруза қилиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа корхоналарида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар ҳақида маълумот берди.

Агентлик тасарруфидаги алоқа корхоналари ўтган олти ой мобайнида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, курсатилган хизматлар ҳажмини ошириш борасида қатор ишларни амалга оширди.

Биринчи ярим йилликда алоқа корхоналари томонидан 21,3 миллиард сўмлик даромад олинди, аҳолига 5,9 миллиард сўмлик хизмат курсатилди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан жўнатмаларнинг ҳажми 34 фоизга, шаҳарлараро ва халқаро телефонда сузлашувлар сони 36 фоизга ошди. Хат жўнатмалари ва пул юртималарининг ҳажми эса утган йилга нисбатан ошмади. Шу билан бир қаторда даврий нашрлар ҳажми 26 фоизга, телеграммалар сони эса 9 фоизга камай-

ди. Асосий телефон аппаратларининг усиши 26,8 минг донани ташкил этди, 7180,0 миллион сўмлик капитал маблаг узлаштирилди.

Биринчи ярим йилликда корхоналарнинг сифат курсаткичлари яхшиланди. Алоқа корхоналарига олти ой мобайнида 7109 дона шикоят ва ариза тушди. Уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоизга камайди. Лицензия шартларини бажарилиши бўйича 75 та корхона ва уларнинг таркибий бўлинмалари текширувдан ўтказилди.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ва агентлик бўлимлари томонидан 41 та қонуний ва меърий ҳужжатлар бўйича ҳамда 9 та илмий-тадқиқот ишлари юзасидан иш олиб бориляпти.

Агентлик, акциядорлик компаниялари ва корхоналари ишида бир талай камчиликлар ҳам мавжуд. Электралоқа корхоналари чет эл фирмаларидан телекоммуникациялар асбоб-ускуналарини келтириш учун олган кредит қарзларини ўз вақтида узаяпти. Почта корхоналарида уғриликлар, камомад ҳоллари учрамоқда.

«Алоқа ДЭУ» ҚК, «Саноаталоқа» АЖ томонидан маҳсулотлар ҳажмини ошириш, унинг рақобатбардошлигини кучайтириш бўйича етарли ишлар қилинмаган. Урнатилган телефон станцияларининг сигими секинлик билан узлаштирилмоқда.

Муҳокамаalarda А. Жўрабоев, М. Холмуратова, К. Раҳимов, Р. Қосимов, У. Тажемов, Б. Тунгишбоев, Ҳ. Ҳакимов, У. Холматов, А. Мамановлар сўзга чиқиди.

Агентлик ҳайъати «Почта ва телекоммуникациялар корхоналарининг биринчи ярим йиллик иш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг бориши тўғрисида»ги маълумотларни тинглаб, бу борада тегишли қарор қабул қилди.

Иззат АҲМЕДОВ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида «Маҳаллий Телеком» ва «Халқаро Телеком» акциядорлик компанияларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Уни агентлик Бош директори Ф. С. Абдуллаев бошқарди.

умумий йиғилиши ўтказилди. Унда «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компаниясининг ҳозирга қадар бош директори бўлиб ишлаб келган А. Ҳ. Жўрабоев «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бош директори этиб,

ЯНГИ КОМПАНИЯ ТУЗИЛДИ

Маълумки, ушбу йкки компания негизида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини тузиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди. Мазкур Фармон ва қарорга асосан «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ташкил қилинди.

Ўз навбатида янги ташкил қилинган «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори Ф. С. Абдуллаев янги акциядорлик компаниясининг Кузатов Кенгаши раиси этиб сайланди. Шунингдек, йиғилишда «Ўзбектелеком» АҚнинг низоми, Кузатов Кенгаши, ижроия органи, тафтиш комиссияси ҳақидаги низоми ва аудитори тасдиқланди. Кузатов Кенгаши ва тафтиш комиссияларига аъзолар сайланди.

Ш. ИСМОИЛОВ

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкентдаги «Шератон» меҳмонхонасида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Германиянинг «Сименс» фирмаси ташаббуси билан анжуман ўтказилди. Унда агентлик Бош директори Ф. С. Абдуллаев ва «Сименс» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти вакиллари – жаноб Д. Шарф, В. Кутнерлар табрик сўзлари билан чиқиди.

«Сименс» ҲХ мутахассис-

лари ўз маърузаларида телекоммуникация соҳасида конвергенция ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш мақсадида «Сименс» ҲХ билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

1. Мустақиллик байрамнинг 9 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Мазкур ўтган вақт мобайнида рўй берган қайси воқеалар, ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайсиз?

2. Сизнингча, ҳар бир фуқаро, жумладан, ўзингиз мустақилликни мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўша олишингиз мумкин?

Тоҳирмурод ХЎЖАҚУЛОВА,

агентлигининг мутахассислари тайёрлаш ва қайта тайёрлашни

ташкил этиш бўлими бош мутахассиси:

1. Мустақиллик – бу эркинлик, озодлик, чинакам изланиш, янгилашиш, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги учун курашдир. Ҳақиқатдан ҳам мазмун-моҳияти асрларга татийдиган истиқлолимизнинг тўққиз йиллик даврига назар солар эканмиз, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш сари дадил қадамлар ташланганлигини, қонун устуворлиги йўлида бир қатор ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ почта ва телекоммуникациялар соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Концепцияси ишлаб чиқилди. Уни мақсад ва вазифаларига қура ўч асосий босқич асосида 2010 йилгача рубога чиқариш мулжалланган. Агентлик тасарруфидаги ўқув юртимларида тарта махсус ва касб-хўна тарбияни ҳамда олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичлари бўйича кадрлар тайёрлаш кенг қўламда олиб бориламоқда.

Республика почта ва телекоммуникациялар соҳасининг раҳбар ва муҳандис-техник хо-

димлари, турли даражадаги мутахассислар, ўқув юртимлари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун Тошкент электротехника алоқа институти тасарруфидаги Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази ва малака ошириш факультетлари фаолият курсатмоқда. Мустақиллик шарофати билан ривожланган хорижий ва МДХ давлатларида малака ошириш ва қайта тайёрлаш учун катта имкониятлар яратилди.

Давлатимиз ҳам ёшларнинг таълим олишлари учун ҳамма шароитларни яратиб қўйган. 2. Озодлик, эркинлик кишиларга, авваламбор баркамол инсон бўлиб яшаш имконини беради. Эндликда истиқлолимизни ҳар қандай қора ниятли кишилардан асрашимиз керак. Уни мустаҳкамлашга ҳисса қўиш учун ўз меҳнатимизни, билим ва куч-қувватимизни аямаслигимиз зарур. Мудом оғоҳ бўлиб яшашимиз, зиммамиздаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этишимиз лозим бўлади.

И. ОМОНОВ
ёзиб олди

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Тахтақарача давони ҳудудида жойлашган «Алоқа» болалар оромгоҳида бўлиб ўтган учрашув «Болалар бизнинг келажакимиз» деб номланди. Уни Қашқадарё алоқа ходимлари бирлашган касабаша уюшма кўмитаси раиси Қўчқор Қаримов оромгоҳда ўтказилган спорт мусобақаси голибларини совғалар ва факрий ёрликлар билан тақдирлади. Сўнгра «Қаршифильм» ижодкорлари томонидан тасвирга олинган «Мозийдан сузлаган юрт» тарихий фильми намойиш этилди.

Бахтиёр АРАБОВ,
Қашқадарё вилояти

ШАҲРИХОНДА ЯНГИ ПОЧТА УЙИ

«Андижон почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Шаҳрихон шаҳобчаси учун янги почта уйи қуриб, фойдаланишга топширилди. Икки қаватли замонавий муҳташам бинони Бахтиёр Норматов раҳбарлигидаги «Янги ҳаёт» хусусий қурилиш корхонаси қурувчилари бунёд этишди.

Янги почта уйининг биринчи қаватида ҳар хил почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва қайта ишлаш бўлими, почта хизмати бўйича фуқароларни

қабул қилиш хонаси, пенсия ва нафақаларнинг туланишини назорат қилиш бўлими, матбуот нашрлари ва жўнатмаларни саралаш хонаси, почтачилар хонаси жойлашган. Иккинчи қаватдан эса ҳисобхона, «Маънавият ва маърифат» хонаси, қабулхона ва режалаштириш бўлимлари урин олган.

Янги почта уйи шаҳрихонликларга яна ҳам сифатли почта хизмати курсатиш имконини беради.

Соҳибжон СУЛТОНОВ,
Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусасида. Хаёфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва қарорларнинг асосида илмий-техника имкониятларидан самарали ва кенг қамлаб фойдаланган ҳолда фундаментал фанлар ютуқларини, фан ютуқларига асосланган технологияларни амалда жорий этиш, юқори малакали, иқтисодий қадрлар сонини кўпайтиришга асосланган ривожланишнинг илгор, замонавий моделларига ўтиш учун ҳамма шароитлар мавжуд эканлиги курсатилган. Бу нарсамамлакатнинг индустриал ва иқтисодий ривожланган мамлакатлар даражасига чиқиши учун зарур шартлар ва мустақам асос бўлиб хизмат қилади. Президентимизнинг бу фикрлари юртимиз телекоммуникация тармоғига ҳам шубҳасиз дахлдордир.

Бозор иқтисодиёти замонавий фан ва технологиясиз жамиятнинг ривожланиши ва фаровонлигини узица таъминлай олмайди. Жаҳондаги барча давлатларнинг фаолияти ва бир меъёрга ривожланиши иқтисодий ва фуқаролар эҳтиёжи учун зарур бўлган ахборот-маълумот майдонини яратиб бевурица телекоммуникация соҳасида илгор техника ҳамда технологиялардан фойдаланишга асосланади. Аини вақтда Ўзбекистонда телекоммуникациянинг ривожланиши фақат миллий ривожланиш ва хаёфсизлик масаласигагина бўлиб қолмай, балки иқтисодий зарурат ҳамдир.

Ислохотлар муваффақияти, эришилган барқарорлик, иқтисоднинг бир меъёрга ривожланиши, яқин ўн йилликнинг стратегик мақсади Ўзбекистоннинг жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторига кириши телекоммуникация соҳаси масалаларини пухта ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга оширишнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтда ҳам телекоммуникация соҳасида маълум даражада илмий-техника ва ишлаб чиқариш имконияти мавжуд эди.

Ана шу имкониятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, мустақил Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш мақсадида 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика телекоммуникациялар тармоғини 2010 йилгача реконструкция қилиш ва ривожлантиришнинг Миллий дастури» ишлаб чиқилди.

Ўзбекистондаги ислохотлар ва ривожланиш жараёнлари «Миллий дастур»нинг аниқ ва пухта бўлишини тақозо этади.

билан топширувчи» «Алоқанивест» ҲХ таркибига киритилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг шаклланиши, иқтисодий ислохотлар йиллари УзАЛИнинг лойиҳачи-мутахассислари чет эл сармоядорлари билан ҳамкорликда ва мустақил равишда лойиҳаларни тайёрлашда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Улардан энг муҳимлари ТОО китъалараро оптик талаши кабель магистралнинг қурилиши, «Тошкент шаҳар теле-

бирлари ишлаб чиқилди. Агентликнинг 1999 йил, 21 апрелдаги 60-сонли буйруғига кура, институтга алоқа объектлари ва иншоотлари қурилиши учун сифатли лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, лойиҳа ҳужжатлари ҳақидаги маълумотларни жамловчи тармоқ лойиҳа ташкилоти мақоми берилди. Агентлик таркибига кирувчи тармоқ ташкилотларининг лойиҳачи ва бўлимлари ва мулкдорлик шаклидан қатъий назар, четдаги лойиҳа ташкилотларининг алоқа соҳасидаги лойиҳачиларининг сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида институтга тармоқдаги лойиҳа ишлари жараёнлари ус-

лубий таъминлаш, ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари сифатини назорат қилиш вазифаларини топшириш ҳам кузда тутилди. Ҳозирги вақтда «Маҳаллий Телеком» ҲХ да УзАЛИ-ни «Алоқанивест» ҲХ таркибидан чиқариб, институтга тармоқнинг мустақил лойиҳа ташкилоти мақоми бериш бўйича ишчи комиссия ташкил этилган.

Институт олдида қуйилган асосий вазифа тармоқни уз вақтда лойиҳа ҳужжатлари билан таъминлаш учун лойиҳалаш ишига ёшларни жалб қилиш, юқори малакали лойиҳачи-мутахассисларни тайёрлаш, моддий-техника базасини янгилаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш технологияси жараёнларини автоматлаштиришга асосланган илгор технологияларни жорий этиш каби муҳим масалаларни ҳал қилмоғи зарур.

УзАЛИ жамоаси ва маъмурияти уз имкониятларидан кенг ва тулиқ фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон иқтисодиётининг мустақамлаш, Ватанимизнинг телекоммуникация соҳасидаги халқаро обрў-эътиборини ошириш борасида узининг муносиб ҳиссасини қўшиб бораверади.

Султонмурод АБДУЛЛАЕВ, УзАЛИ бошлиғи

ТАЙИНЛАШ



Абдувоҳид Ҳошимович ЖҲРАБОВ – хиссадорларнинг умумий йилгилишида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори этиб сайланди.

У 1949 йили Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек. Маълумоти олий, 1972 йили Тошкент электротехника алоқа институтини битирган, мутахассислиги – электралоқа муҳандиси. 1966-1972 йиллари ТЭАИ талабаси, 1972-1973 йиллари Марғилон алоқа туғуни катта электромеханиги, 1973-1974 йиллари Марғилон алоқа туғуни АТСИ муҳандиси, 1974-1983 йиллари Марғилон алоқа туғуни бош муҳандиси, 1983-1985 йиллари Фарғона вилояти алоқа техника ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, 1992-1995 йиллари Фарғона вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи, 1995-1996 йиллари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг уринбосари, 1996 йил Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг уринбосари, 1997-1998 йиллари Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори, 1999 йилдан То ҳозирги кунгача «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компаниясининг бош директори эди.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ТАРМОҒИ ЛОЙИҲА БАЗАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

- Муаммо
- Мулоҳаза

Дастур таркибига кирувчи иқтисодий асосланган, натижалари эса бевосита амалиётга тадбиқ қилишга мўлжалланган лойиҳалар халқ ҳужалиғидаги йирик масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлиши керак. Бу вазифаларни самарали ҳал қилиш учун дастлабки инвестиция жараёнида лойиҳалаштирилган объектлар ва иншоотларнинг лойиҳа қарорларини синчиклаб ишлаб чиқиш зарурдир. Алоқа объектларини қуриш ва қайта жиҳозлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш масалалари УзАЛИда ҳал қилинади.

Ўзбекистонда алоқа объектларини лойиҳалаш тармоғи кирк йилдан ортиқ вақтдан бери фаолият курсатиб келмоқда ва телекоммуникация воситаларининг ривожига улкан ҳисса қўшаётир. Телекоммуникация объектларининг катта қисми 2-давлат алоқа лойиҳа институти, «Узгирсвязь» лойиҳа институтларининг лойиҳалари асосида қурилган. 1994 йили иқтисодий ислохотлар жараёнида бу иккита институт бирлаштирилди ва Давлат Алоқа лойиҳа институти (УзАЛИ) деб номланди. Кейинчалик давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнлари натижасида эса Ўзбекистон Алоқа лойиҳа институти айлантирилиб, лойиҳа қурилиш, инвестиция ишларини бажариб, объектларни «калити

фон тармоғи» ҲЖни етти рақамли тизимга ўтказилиши рақамли коммутация жижрлар урнатилиши муносабати билан Тошкент шаҳар линия-кабель иншоотларини кенгайтириш, уяли алоқа операторлари учун объектлар қурилиши, мамлакатимизнинг турли аҳоли пунктларини алоқа хизмати билан таъминловчи РРЛ тизимларини яратиш, давлат аҳамиятига эга бўлган газ қувурлари магистралларини технология алоқа билан таъминлаш, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАК учун телекоммуникация масалаларини ҳал қилиш ва бошқа иншоотлардир.

Утиш даврининг қийинчиликлари лойиҳачиларни ҳам четлаб ўтмади. Кейинги йилларда институтдаги юқори малакали куплаб мутахассислар бошқа ишларга ўтиб кетишиди. Моддий-техника базаси, ахборот-маълумот жамғармалари бутунлай янгилашни талаб этади. Институтнинг қурилиш ташкилоти ҳисобланмиш «Алоқанивест» ҲЖга маъмурий бўйсунуши телекоммуникация объектлари ва иншоотлари қурилиш жараёнларини назорат қилишни қийинлаштириб юборди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг қўллаб-қувватлаши натижасида тармоқ лойиҳа ташкилотини ислоҳ қилиш тад-

РАДИОАЛОҚАНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНАРИ

Стамбул шаҳрида май-июнь ойларида Бутунжаҳон электралоқа иттифоқининг радиоалоқа ассамблеяси (РА-2000) ва Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси (БРК-2000) бўлиб ўтди. Унда радиоалоқа бюроси ҳамда тадиқот комиссиясининг иши, радиоалоқанинг халқаро регламентини тақомиллаштириш, турли мақсадлар учун мўлжалланган радио хизмати частоталарини қайта тақсимлаш, 12 ГГц омилидаги алоқа йўлдошлари орқали амалга оширилмайдиган радиодистанттириш дастурини қайта қуриш каби бир қатор муҳим масалалар қуриб чиқилди.

РА-2000 ишида Халқаро электралоқа иттифоқининг аъзоси бўлган 73 мамлакатдан 297 делегат иштирок этиди. 38 халқаро ташкилотдан, худудий, миллий ишлаб чиқариш, илмий ва эксплуатация ташкилотларидан 59 вакил, БРК-2000 да эса Халқаро электралоқа иттифоқи аъзоси бўлган 145 мамлакатдан 193 вакил қатнашди. Беш кишилик Ўзбекистон делегацияси ҳам анжуманларда фаол қатнашди.

Конференция ўзи ишини Халқаро электралоқа иттифоқининг Низоми ва Конвенцияси талаблари асосида тасдиқланган опти кўмита, Пленумнинг параллел ишлаган икки ишчи гуруҳи таркибида олиб борди. Анжуман кун тартибидан 4-кўмита (регламентлар ва шу иш билан боғлиқ масалалар), 5-кўмита (частоталарни тақсимлаш ва шу иш билан боғлиқ масалалар), 1-плениум ва 2-плениум ишчи гуруҳларига узаро тақсимланган 35 та масалалар урин олди.

Барча кўмиталар ва уларнинг ишчи гуруҳларида қатнашиш борасида Ўзбекистоннинг кам сонли делегацияси қандай қийинчиликларга дуч келганини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунга қарамай Ўзбекистон делегацияси уз олдида қуйилган вазифаларни муваффақиятли бажара олди.

Маълумки, Халқаро электралоқа иттифоқининг (ХЭАИ) радио соҳасидаги ишчи радиоалоқа секторидида муваффақиятлар, радио тизимларини эксплуатация ишлари борасидаги тавсиялари радиочастоталар оралиқларидан самарали фойда-

ланишда дастур сифатида фойдаланилади. Бу тасвирда ХЭАИнинг барча аъзолари томонидан тасдиқлангани ва халқаро меъёр ҳисобланади.

РА-2000 радиоалоқа ассамблеясида радиоалоқа бюроси ва тадиқот комиссияларининг ҳисоботлари тингланди, тадиқот комиссиялари раҳбар ходимлари қайта сайланди, радиоалоқа сектори ишини ташкил этиш тартибини белгиловчи тавсия, резолюциялар қайта қуриб чиқилди ҳамда аниқлари қабул қилинди. Кўпгина радио тизимларнинг тадиқир эши аввало радиочастоталар оралиғиди булиқларнинг борлиғига боғлиқдир. Радиочастота оралиғидан фойдаланиш халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмиш радиоалоқа халқаро регламенти томонидан бошқарилади. Уни қайта қуриб чиқиш, тўзатишлар киритиш ҳуқуқига фақат радиоалоқа Бутунжаҳон конференциясига эга.

Радиоалоқа регламенти ва ундаги частоталарни тақсимлаш жадваллари ва частоталарни ажратиш бериш дастурали – радиочастоталардан фойдаланишда асос бўлиб хизмат қилади. Чунки шунинг асосида Халқаро электралоқа иттифоқи аъзоси бўлган мамлакатларнинг алоқа маъмуриятлари радиостанциялар учун частота ёки частота каналлари ажратиш ишларини амалга оширишлар.

Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясида Ўзбекистоннинг қатор тақлифлари қуриб чиқилди ва қабул қилинди. Бундан ташқари конференцияда радиочастоталардан фойдаланишга дахлдор қатор тасдиқлар белгиланди. Анжуманда қабул қилинган барча қарорлар Ўзбекистоннинг нуктаи назарига мос бўлиб, делегациялар томонидан қўллаб-қувватланди.

Конференцияда радиоалоқа бюроси директорининг ҳисоботи тингланди ва маълумланди ҳамда БРК-03 ва БРК-05/06 ларнинг кун тартибни тасдиқланди.

Анжуман сўнгида делегация бошқаруви яқунловчи актларни имзоладилар.

К. КОНОВЛОВ, Давлат радиочастоталар кўмитаси раисининг уринбосари, делегация раҳбари

МУСОБАҚАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаб ва уюшмаси марказий кўмитасининг кубоғи учун республикамиз мустақиллигининг 9 йиллиғига бағишланган мини-футбол бўйича Тошкент шаҳар алоқа корхоналарини уртасида 14-15 июль кунлари ўтказилган уйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

- «МТУ» ҲХ – «Ўзбекистон почтаси» ДАК 1:1;
- РРРТЧМБ – ДФХ 3:1;
- «Уздунробита» ҚҚ – УзПТА 6:2;
- Алоқа коллежи – МАТБ 8:1.

17 июлгача бўлган ўйинлар натижаларига кўра гуруҳлар бўйича мусобақа жадвали қуйидагича:

| А-ГУРУҲИ | | | | | | | | |
|----------|--------------------------|---|---|---|-------|------|-----|---|
| т/р | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | Б | О |
| 1. | ФТМТМ | 4 | 3 | 1 | 33-12 | +21 | 10 | |
| 2. | «МТУ» ҲХ | 4 | 2 | 1 | 12-6 | +6 | 7 | |
| 3. | ДФХ | 3 | 2 | 1 | 8-6 | +2 | 6 | |
| 4. | РРРТЧМБ | 2 | 1 | 1 | 12-14 | -2 | 6 | |
| 5. | «Ўзбекистон почтаси» ДАК | 3 | 1 | 1 | 1 | 6-8 | -2 | 4 |
| 6. | РТУМ | 3 | 1 | 1 | 2 | 10-9 | -9 | 3 |
| 7. | ДАИ | 4 | 1 | 1 | 4 | 7-23 | -16 | 0 |

| Б-ГУРУҲИ | | | | | | | | |
|----------|------------------|---|---|---|---|-------|-----|----|
| т/р | Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | Б | О |
| 1. | «Уздунробита»-ҚҚ | 4 | 3 | 1 | 1 | 15-5 | +10 | 10 |
| 2. | «Алоқанивест» | 4 | 2 | 2 | 1 | 26-19 | +7 | 8 |
| 3. | «ШТТ»-ҲХ | 4 | 2 | 2 | 1 | 13-6 | +7 | 8 |
| 4. | Алоқа коллежи | 4 | 2 | 1 | 1 | 23-13 | -10 | 7 |
| 5. | Уз ПТА | 4 | 1 | 1 | 1 | 15-16 | -1 | 3 |
| 6. | МАТБ | 3 | 1 | 1 | 2 | 7-15 | -8 | 3 |
| 7. | ШАТХИЧБ | 3 | 1 | 1 | 2 | 5-15 | -10 | 3 |
| 8. | ЭМММ | 4 | 1 | 1 | 3 | 6-18 | -12 | 3 |

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Андихон Телеком» хиссадорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб ва уюшмаси кўмитаси хиссадорлик жамиятининг ҳуқуқий маслаҳатчиси **Турсунбой ҲАЙДАРОВ**ни кўтулғ 50 ёши билан муборакбод этади ва унга узоқ умр, танисихатлик тилаб қолади.

«Наманган почтаси» хиссадорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб ва уюшмаси кўмитаси жамолари хиссадорлик жамиятининг директори **Раҳимжон ТУРҒУНОВ**ни 50 ёши билан қизгин табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-салооматлик, оилавий хотиржамлик, алоқа соҳасидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

Дилфуза РАҲИМОВА:

ҚЎШИҚ – МЕНИНГ ҲАЁТИМ

Узоқ-узоқдан ўйноқи мусиқа янграйдди. Унга шўх, жарангдор овоз жўр бўлади:

Юрагингни, юрагингни ёндирсам,
Кўларингни, кўларингни куйдирсам,
Юрагингга, юрагингга ўт ёқиб,
Ўзимга шайдо этсам...

Ушбу кўшиқ ижрониси катта-кичик давраларда, мухлислар орасида номи тез-тез тилга олинаётган Дилфуза Раҳимовадир. У 1972 йилнинг 27 апрелида Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, Кичик Ноқи қишлоғида туғилган. Хонанда билан суҳбатимиз жуда самимий кечди:

– Дилфузахон, айтингчи, кўшиқ нима ўзи? Унда қандай сир-асрор, қандай куч-қудрат бор?

– Кўшиқ тинглаганда дардимиз энгиллашади, кайфиятимиз кутарилади. Дарди бор одам кўшиқ айтиди. Шу билан энгил тортади. Кўшиқ эшитиб, энг оғир касалликдан тузалиб, ҳаётга қайтган инсонлар ҳақида куп эшитганмиз. Менимча, кўшиқнинг куч-қудрати, сеҳри ҳам одамларни яшашга, фақат яхшилик қилишга ундашидади.

– Кўшиқчи бўлиш болаликдаги орзуингиз эдимми? Санъат йўлини танламаганингизда ким бўлар эдингиз?

– Болалигимда кўшиқчи бўламан деб орзу қилмаганман. Журналист бўлмоқчи эдим. Журналист бўлгандаям, танқидий мавзуда ёзадиган журналист бўлишни истардим. Уқувчилик пайтимда Ф. Достоевский, Стендаль, Мопассан асарларини севиб ўқирдим. Мактабда адабиётдан аъло баҳоларга ўқиганман. Ҳатто 1988 йили Фарғонада ўтказилган «Еш адабиётчилар» олимпиадасида қатнашганман. Ҳайъат аъзолари – Альфон Зоиров, Омонулло Мадаев, Турсун ойлар (фамилияларини эспломаяман), негадир менинг қишларимни куришиб, сендан яхши кўшиқчи чиқади дейишган.

Опам Маннон Уйғур номли санъат институтида таҳсил олганлар. Уларнинг олдига тез-тез келиб турардим. Бир кун опамнинг амалиёти пайтида сабоқдошлари билан Шермат Ерматовнинг олдига бордик. У киши ҳамминг овозини бирма-бир тинглаб курди. Қаторда турганимда менинг овозимни ҳам эшитиб курганлар. Мени ҳам институтда ўқийди деб уйлаган эканлар. Хуллас, тақдиримда бор экан шекилли,

кўшиқчи бўлиб қолдим.

– Қайси мавзудаги кўшиқларни севиб ижро этасиз ва ўзингиз қайси кўшиқларни тинглайсиз?

– Албатта, муҳаббат ҳақидаги кўшиқларни севиб куйлайман. Худо хоҳласа, мақом йулида ҳам халқимизга манзур бўладиган кўшиқлар яратмоқчиман. Чунки ўзим ҳам мақомни ёқтираман. Ўзимизнинг кўшиқчилар ҳамда жаҳон эстрадаси юлдузларининг кўшиқларини тинглаб бораман. Кўшиқсиз ҳаётимни тасаввур эта олмайман. Бир суз билан айтганда кўшиқ – менинг ҳаётим.

– Аини пайтда санъаткорлар орасида кўшиқларни клип қилиш урф бўляпти. Бунга сизни муносабатингиз?

– Клиплар купайгани яхши. Аммо у кўшиқ моҳиятини очидиша хизмат қилса кўнглидагидай бўлади. Бир-бирдан чиройли, мухлисларга манзур бўладиган клиплар яратилиши тарафдориман.

– Кўплаб мухлислар кўнглини шайдо этган «Шайдо этсам» клипининг яратилиши ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

– Клипининг муваффақиятли чиқишида режиссёримиз Тўхтамурод Маҳмамовнинг жуда катта ҳиссалари бор. Унда қатнашган бошқа ижодкорларнинг ҳам меҳнати катта. Ҳозирда эса ушбу клипининг мантиқий давоми сифатида «Йулларимда бир йигит» номли клип яратиш устида иш олиб бораёғимиз. Клипининг яхши чиқиши хонандага ҳам боғлиқ. Баҳони эса мухлислар беради.

– Қайси шоир, бастакорлар билан ҳамкорлик қиласиз?

– Асосан Маҳмуд Тоир, Хуршид Даврон, Моҳинисо Камолова, Раъно Ярашева, Иброҳим Жияновлар билан ижодий ҳамкорлик қиламан. Олдин оранжировкачи Рустам Маҳмудов кўшиқларимга куй басталаб берар эди. Аини пайтда Ақром Ибо-

дуллаев билан ҳамкорлик қиламан.

– Оналар ҳақида кўшиқ яратиш ниятингиз борми?

– Албатта бор. Биласизми, онам ҳаётдан эрта утганлар. Шунданми, баъзан оналар ҳақида кўшиқ айтишни сурашса, айтолмайман. Аммо уйда баъзан ўзимни унутиб қуйиб, беихтиёр онам ҳақида кўшиқ айтиб юбораман. Насиб қилса, барча оналар ҳақида энг чиройли кўшиқ қиламан.

– Сизни шўх-шаддо, дангал гапирадиган деб эшитганман. Бу одатингиз ижодингизга ҳалақит бермайдими?

– Тўғри, бу одатим баъзан ижодимга ҳалақит беради. Аммо кейинчалик ўша мендан хафа бўлиб қолган киши билан дусллашиб қоламиз. Ясамалик, тилғламалик билан ҳеч қачон чиқиша олмайман.

– Армонингиз, ушалмаган орзуингиз борми?

– Онам муваффақиятларимни, невараларини куролмадилар. Мана шу менинг армоним. Ушалмаган орзуларим ҳам бор. Аммо инсон барибир янги орзу-умид билан яшар экан. Мен ҳам эгизак фарзандлар – Ҳасан ва Ҳусанларим бўлишни жуда-жуда истайман.

– Журналистлардан яна қандай саволлар беришларини хоҳлардингиз?

– Табиати яхши қураман. Гул парваришларни ёқтираман. Бунинг хобим десам ҳам бўлади. Шунинг учунми, журналистлар та-



биат ҳақида, унинг экологияси турғисида саволлар беришларини истар эдим.

– Муҳаббатга муносабатингиз?

– Биласизми, Дилфуза Раҳимовани ана шу муҳаббат туйғуси ҳозирги Дилфуза Раҳимова бўлишига сабабчи бўлган. Пок ва соф муҳаббатни қадрайман. Севган одам ҳеч қачон ёмонлик қилаолмайди, муҳаббат инсонни юксакликка олиб чиқади.

– Оилангиз ҳақида...

– Турмуш уртоғим Исроил Рустамов ҳам санъаткорлар. Шахризода исмли кизим яқинда беш ёшга тулади. Уни юртимизни дунёга куз-куз қиладиган, билимдон, юксак маданиятли инсон бўлиб етишишни хоҳлардим. Уни таржимон сифатида элчихоналарда ишлаб юришини курсам, ўзимни бахтиёр сезаман.

– Эзгу ниятларингиз ушалсин. Самийий суҳбатингиз учун раҳмат.

Абдуғани
АБДУРАҲМОНОВ
суҳбатлашди

● Бу – қизиқ!

СОЧ ТОЛАСИ БИЛАН

Танзаниялик 30 ёшли йигит сочи билан автобусни 10 метр масофага тортишга муваффақ бўлди. У журналистлар билан суҳбатда шундай деди: «Менинг асл қувватим сочининг толаларидадир».

ХАТ УЧУН 10 ЙИЛ ЖАЗО

Майама маҳкамаси 31 ёшли Рональд Жи Мишелни «Оқ уй»ли адашига таҳдидли хатлар йўллагани учун 10 йил қамоқ жазосига маҳкум этди.

УЧ ОЁҚЛИ ТОВУҚ

Ҳиндистон фуқароси Шарон Дугал исмли йигит лаззатли таомдан воз кечиб, сабзавот ва қуқатлар билан тушлик қилишга мажбур бўлди. Бунинг сабабчиси оддий товук бўлиб, уни Шарон бозордан тушлик учун сотиб олган эди. У товукни суйиш учун қулига олганда унинг иккита оёғи уртасидан учинчи оёқ ўсиб чиққанини куриб қолади. Бу гайри табиий ҳолдан ёқа ушлаган Шарон уни суйиш урнига боқишга қарор қилди.

БУ ОШҚОЗОННИ ЁКИ...

Тиббиётта оид журналларнинг бирида куйидаги хабар босилган: Австралида мажнунсифат бир кимсаннинг улимидан сўнг жуссаси ёриб курилганда унинг ошқозонидан куйидаги нарсалар чиққан: 25 та майда тошлар, 16 та ойна парчалари, 12 та мих, 2 та 4 сантиметрлик суяк, бир қанча тугмалар, 5 та темир парчаси, бир сиқми шафтоли данаги ва бир нечта чинни бўлаги ва чиннидан ишланган трубка.

Во ажаб! Бу инсон ошқозонини ёки қайта ишлаб чиқариш фабрикасими?

Жамшид ПИРНАЗАРОВ
тайёрлади

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг яхши чойлар Ҳиндистондаги Бенжмин вилотида устирилгандир. Бу ерда чойнинг юздан ортиқ нави етиштирилади. Бенжмин чойидан бир пивла ичган киши дарҳол узини бардам-бақувват ва-тетик сезади. Бу чой кўнглини ёшартиради. Машҳур ҳинд адаби ва файласуфи Робиндранат Тагор шу чойга бағишлаб шёър ёзган.

Скандинавиялик ёзувчи Мартин Андерсен Нексеннинг энг сеvimли таоми селёдка балиги бўлган экан. У шундай ёзади: «Мен ҳафтада 21 марта селёдка ейман. Балиқ сувдагина эмас, қоринда сузишни яхши куради, шу сабабли мен селёдка балиги билан бирга пиво ичаман».

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 70-урта мактаб томонида Фикрат Шухратович ФАЙЗИЕВГА 1992 йилда берилган А № 088146 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Алоқа коллежи жамоаси туман электралоқаси Фан ҳайъати мураббийси, «Моҳир алоқачи»
Азамат ЭШМУХАМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

«Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси жамоаси компания бўлим бошлиғи Амонулло Насруллаевга отаси
НАСРУЛЛО отанинг
вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДҲУЖАЕВ
Шухрат ЖАБОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани
АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Куролбой ТЎЛЕБОВЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган кўлёмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, фелтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатта олиш № 00011.

Буюртма № Г-642.
5757 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00

Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6